

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

РАШИДОВ БЕХЗОД НУРБОЕВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ХУСУСИЙ АЙБЛОВ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув
ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 343.123.6+343.12(043.3)(575.1)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Рашидов Бехзод Нурбоевич

Жиноят процессида хусусий айблов: назария ва амалиёт 3

Рашидов Бехзод Нурбоевич

Частное обвинение в уголовном процессе: теория и практика 31

Rashidov Bekhzod Nurboyevich

Private accusation in the criminal proceedings: theory and practice 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

РАШИДОВ БЕХЗОД НУРБОЕВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ХУСУСИЙ АЙБЛОВ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув
ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Үи77 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://akadmvd.uz/uz/ads/ad-15-11-2021>) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Ражабов Бахтиёр Алмаҳматович
юрidik фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муродов Бахтиёржон Баходирович
юрidik фанлар доктори, профессор

Астанов Истам Рустамович
юрidik фанлар доктори, профессор

Муминов Бехзод Абдувахобович
юрidik фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юрidik университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үи.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 3 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52/ (99871) 265-17-53; e-mail: info@akadmvd.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1139-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2021 йил 19 ноябрь куни тарқатилди.

(2021 йил 19 ноябрдаги 7 рақамли реестр баённомаси).



А. С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзаси, юрidik фанлар доктори, профессор

Дж. Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби юрidik фанлар бўйича фалсафа доктори доценти

Р. Кабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юрidik фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноят ишларини ҳал этишда ортиқча расмийчиликка йўл қўймаслик, замон талабларига мос иш юритувини, яъни мураккаб ва оғир ишлар ҳар томонлама текширилиши, чуқур ўрганиш талаб этилмайдиган ишлар тезда кўриб чиқилишини, жараённинг жадаллигини ва одил судловни таъминлаш, суд қарорларининг ўз вақтида қабул қилиниши, қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш, шунингдек шахс, жамият ва давлат манфаатлари муҳофазаси кафолатларини мустаҳкамлашда тезкор одил судлов, судлов шакллари дифференциациялаш, соддалаштирилган иш юритуви, жумладан хусусий айблов асосида иш юритиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу аксарият давлатларда хусусий айблов ёки келишув асосида ва бошқа шаклларда соддалаштирилган иш юритишни талаб этиб, бундай тартибда юритилаётган ишлар сонининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Масалан, ушбу кўрсаткич Россия Федерациясида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 1,1 фоизга ортган бўлса, Германия Федератив Республикасида бундай тоифадаги ишларни юритиш олдинги йилларга нисбатан кўпайган, АҚШда эса сўнгги йилларда соддалаштирилган иш юритувига асосан ҳал этилаётган ишлар 95 фоиздан ошган¹.

Жаҳонда хусусий айблов шаклига оид жиноят ишларини юритиш тартибини соддалаштириш, бундай ишларда тарафларнинг ярашиши ёки жабрланувчининг берган шикоятини қайтариб олиши жараёнларида қонунийликни таъминлаш, шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топиш долзарб масала ҳисобланади. Умумий тартибда иш юритувига кўра шикоят берган шахснинг хоҳиш иродасига зид равишда фаолият юритилиши, заруратсиз жиноят ишининг қўзғатилиши, айрим тергов ҳаракатларининг беҳуда бир неча бор такрор ўтказилиши, иш юритиш механизмнинг мураккаблиги сабабли жиноят ишларининг узоқ вақт тергов қилиниб, судда кўрилиши каби ҳолатлар иштирокчиларнинг ортиқча овора бўлишига, давлат ресурсларининг бесамар сарфланишига, фуқароларнинг суд-тергов органларига ишончи камайишига олиб келмоқда. Бу борадаги мавжуд муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига оид кафолатларни кучайтириш, жиноят ишларини юритишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан соддалаштирилган тартибда иш юритилишини йўлга қўйишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда жиноят ишини тугатиш, шунингдек ишларни соддалаштирилган тартибда ҳал қилишнинг салмоғи ошиб бормоқда. Ушбу тоифадаги ишлар 2018 йилда жами жиноят ишларининг 30 фоизга яқинини, 2019 йилда 35 фоиздан ортигини, 2020 йилда эса 40 фоизга яқинини ташкил этган. Аммо айбсизлик масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишини тугатиш ва бошқа шакллардаги иш юритувига жабрланувчининг ёки гумон қилинувчиларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмаётганлиги, шунингдек шахснинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлашнинг

¹ <http://cder.ru>; zakon.ru; <http://www.wvsc.uscourts.gov>; <http://publications.parliament.uk>; <https://enforce.spb.ru>; <https://mgimo.ru> › upload › iblock; <http://law.sfu-kras.ru> › data › e-library-kup › Mono.

ўзига хос янгича шакл ва тартиб-таомилларини жорий этиш жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги² жиноят ишларини хусусий айблов шаклида юритишнинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон, 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Жиноят процессида хусусий айблов шаклида иш юритиш мавзусига оид илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Австралия ҳуқуқий ислоҳотлар комиссияси (Австралия), Гарвард университети (АҚШ), Берлин Гумболдт университети (Германия Федератив Республикаси), Баку давлат университети (Озарбайжон Республикаси), Беларусь Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси (Беларусь Республикаси), Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қарағанда Академияси, Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Алмата Академияси (Қозоғистон Республикаси), Бошқирдистон давлат университети, Москва давлат юридик университети, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Волгоград Академияси, Урал давлат юридик университети (Россия Федерацияси)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда хусусий айблов институтини такомиллаштиришга бағишлаб амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижаларга эришилган. Жумладан қуйидагилар асослантилган: диспозитив нормаларни оғир жиноятларга ҳам қўллаш зарурати (Австралия ҳуқуқий ислоҳотлар комиссияси); жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш, соддалашти-

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори // <http://lex.uz>.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ёритилган: www.harvard.edu, <https://www.hu-berlin.de/de> <https://mocy.mvd.pf>, <http://akadmvd.uz>, sgoa.pf, mail.va-mvd.ru, <http://law.edu.ru>.

рилган тартибда иш юритишни кенгайтириш, хусусий айблов институтини такомиллаштириш кераклиги (Гарвард университети); хусусий айбловга оид ишларда тергов ўтказиш, далиллар тўплашнинг қонунийлигини таъминлаш муҳимлиги (Берлин Гумболдт университети; айблов шаклини белгилашда асосий мезон сифатида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиш кераклиги (Урал давлат юридик университети); хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг алоҳида хусусиятлари тадқиқ этилиши натижасида хусусий айбловчининг ҳуқуқларини кенгайтириш (Бошқирдистон давлат университети); хусусий айблов институтини кенгайтириш орқали оғир ва ўта оғир жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш мумкинлиги, хусусий айбловга доир жиноят ишларини юритишда жабрланган шахс ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш зарурлиги (Россия Федерацияси ИИВ Волгоград Академияси); жиноят процессида хусусий айблов институтининг одил судловни таъминлашдаги аҳамияти (Қозоғистон Республикаси Қарағанда Академияси, Олмаота Академияси); жиноят-процессуал муносабатларда хусусий айблов институтининг самарали қўлланилишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳамда хусусий айбловнинг жиноятчиликка қарши курашишга ижобий таъсири (Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).

Дунёда хусусий айблов институтини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар ўтказилмоқда: жиноят процессида хусусий айблов институтини кенгайтириш; тарафларнинг ярашуви асосида жиноят ишини ҳал қилиш тартибини такомиллаштириш; хусусий айбловга оид ишларда жабрланувчининг далилларни тўплаш фаолиятини тартибга солиш; хусусий айбловга доир жиноят ишларида ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш; хусусий айбловга оид ишларда айблов функциясини таъминлаш; хусусий айбловга доир ишларни юритиш механизмини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Ғ.А. Абдумажидов, Б.Т. Акрамходжаев, З.Ф. Иноғомжонова, Д.Ю. Камалходжаев, Ш.А. Кулматов, А.А. Матчанов, Д.М. Миразов, Б.А. Миренский, Б.Б. Муродов, Ф.М. Мухитдинов, Э.Х. Нарбутаев, Е.Н. Никифорова, Б.А. Ражабов, М.А. Ражабова, С. Саҳаддинов, А.А. Султонов, Г.З. Тулаганова, У.А. Тухташева ва бошқаларнинг илмий ишларида хусусий айблов институтини такомиллаштиришга доир айрим масалалар тадқиқ этилган. Хусусан, Б.Б. Муродов – хусусий айбловга оид ишларни тугатиш ва ярашув асосида иш юритишни, Д.М. Миразов – хусусий айбловга оид ишларни судга қадар юритишда суд назоратини, Ф.М. Мухитдинов – жиноят процессуал шакл сифатида хусусий айбловнинг моҳиятини, Б.А. Ражабов – жабрланувчи томонидан далиллар тақдим этиш ва уларни баҳолашни, А.А. Султонов – хусусий айбловга оид ишларда процессуал чиқимлар масаласини, Г.З. Тулаганова эса хусусий айбловга оид ишларда мажбурлов чораларини қўллаш хусусиятларини тадқиқ этган⁴.

Хорижий давлатлар олимларидан Л.А. Александрова – хусусий айбловнинг моҳиятини, А.А. Арутюнян ва В.В. Дорошков – хусусий айбловга доир ишларни

⁴ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

юретиш хусусиятларини, Т.Л. Баталова, С.А. Шейфер – хусусий айблов институтининг асосларини, Бойльке Вернер – хусусий айблов институтини қўллаш хусусиятларини, И.С. Дикарев – диспозитивликнинг моҳиятини, Е.А. Зайцева – хусусий айбловга оид ишларни юретишда тарафлар тенглигини таъминлаш муаммоларини, О.В. Корнелюк ва Ф. Багаутдинов – хусусий айбловга доир ишларни юретишда хусусий айбловчи ҳуқуқларининг амалга оширилишини, Н.Н. Ковтун, А.Л. Корякин, Л.Н. Масленникова ва И.Л. Петрухин – хусусий айблов институтининг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашувини, И.В. Смолькова – жиноят процессида тарафлар келишувини, Н.Е. Петрова, Ю.Е. Петухов, О.И. Рогова, В.Г. Степанова ва А.В. Стипенко – хусусий айблов институтининг аҳамияти ҳамда уни кенгайтириш, хусусий айбловга оид ишларни юретиш билан боғлиқ муаммоларни, Т.В. Трубникова – хусусий айбловга оид ишларда жабрланувчи ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини, Х.У.Рустамов ва Ю.К.Якимовичлар эса жиноят процессини дифференциациялашда хусусий айбловнинг ўрнини тадқиқ этган.

Бироқ мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижаларини, амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари ва уларни қўллаш амалиётининг бугунги ҳолатини, халқаро ҳуқуқ нормалари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, хусусий айблов асосида иш юретишни кенгайтириш ва такомиллаштириш масалалари комплекс тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари» (48-банди) фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади хусусий айблов шаклида иш юретишга оид янги назарий қоидалар комплексини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада мавжуд бўлган процессуал муносабатлар усул ва воситаларини такомиллаштириш ва кенгайтиришга хизмат қиладиган илмий асосланган хулоса, таклиф, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят-процессуал фаолиятда жиноятдан жабр кўрган шахснинг ўрнини аниқлаш;

жиноят процессининг тизимини таҳлил қилиш ва ундаги хусусий айбловнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;

жиноят-процессуал фаолиятнинг асоси сифатида хусусий айбловнинг мазмуни ва ҳуқуқий тартибга солинишини тадқиқ этиш;

хусусий айбловнинг мазмунига оид илмий назарий муаммоларни аниқлаш ва ўрганиш;

хусусий айблов институтининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;

жиноят-процессуал қонунчилигидаги хусусий айбловнинг тартибга солиниши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

жиноят процессида хусусий айбловнинг амалга оширилишига оид суд-тергов амалиётини ва ундаги муаммоларни ўрганиш;

айрим ривожланган чет давлатлар процессуал қонунчилигида хусусий айблов институтининг тартибга солинишини ўрганиш;

хусусий айбловга оид илмий назарий муаммоларнинг ечимига хизмат қиладиган таклифлар бериш ва уларни асослаш;

жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга қаратилган, хусусий айблов шаклида иш юритиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига оид таклифларни шакллантириш;

хусусий айбловга оид ишларни юритиш амалиётини ривожлантиришга хизмат қиладиган чора-тадбирларни аниқлаштириш ва асослантириш;

хусусий айблов мазмунидан келиб чиқиб судга қадар иш юритуви ва суд босқичларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда жиноят процессини соддалаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят процессидаги айблов тизими, унинг таркибий тузилиши ҳамда айбловни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети айблов, шунингдек хусусий айбловни амалга оширишга оид жиноят-процессуал нормалар ва уларни қўллаш амалиёти, бу соҳадаги хорижий давлатлар қонунчилиги ва илғор тажрибаси ҳамда хусусий айблов ҳақидаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тарихий, тизимли-тузилмавий таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, комплекс ёндашув, анализ ва синтез, сўров усуллари кенг қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар яъни, маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячиси ва қонуний вакилларининг, жабрланувчи ҳамда унинг вакилининг кассация инстанцияси судига янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини жиноят-процессуал қонунчилигида мустақкамлаш зарурати асослантирилган;

прокурорнинг айбловдан воз кечишини суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатилишига олиб келувчи ҳолат сифатида белгилаш лозимлиги асосланган;

шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирор-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар ёки тушунтиришлар олишни исбот қилишнинг умумий шартларини бузиш деб баҳолаш лозимлиги асосланган;

ҳимоя қилиш (хавфсизлик) чораларини жиноят иши қўзғатилгунига қадар аризачига, жиноят шохиди ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўллаш заруратининг юқорилиги исботланган;

судга қадар иш юритишда оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар бўйича, шунингдек айбига иқрор бўлган гумон қилинувчи ёки айбланувчилар билан ўтказиладиган тергов ҳаракатларини видеотасвирга тушириш мажбурийлигини таъминлаш зарурати асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (бундан кейинги матнда ЖПК деб юритилади) 325-моддасида назарда тутилган, хусусий-оммавий айбловга тегишли бўлмаган жиноятлар бўйича, берилган шикоят аризаларининг жабрланувчи томонидан қайтариб олинishi, яъни айбловдан воз кечиш ҳолатларида ишни Жиноят кодексининг (бундан кейинги матнда ЖК деб юритилади) 66¹-моддаси талабларига мувофиқ тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш шартлигини ҳуқуқий мустаҳкамлаш зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига хусусий айбловни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш ҳамда жиноят процессида иштирокчиларнинг диспозитив ҳуқуқларини кенгайтириш борасида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

ЖПКда жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ва амалга ошириладиган хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг алоҳида тартибини белгиловчи нормаларни мустаҳкамлаш зарурлиги исботлаб берилган;

амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазмунига мос равишда жиноят процессида хусусий айблов ва ярашув институтини кенгайтириш, шунингдек хусусий айбловга оид ишларда медиация институтини жорий этиш орқали жиноят процессининг вазифалари самарали бажарилиши таъминланиши исботланган;

хусусий ва хусусий-оммавий ишларда жабрланувчи айбланувчи билан ярашган ёки келишувга эришган ҳолларда қисқартирилган иш юритувини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

хусусий айбловга оид ишларда процесс иштирокчиларининг диспозитив ҳуқуқларидан фойдаланишда қонунийликни таъминлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жумладан хусусий айбловга оид 200 та терговга қадар текширув материаллари ва 200 та жиноят ишлари таҳлили, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида умум эътироф этилган қоидалар ва илмий далиллар асосида исботланган, ишлаб чиқилган илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг *илмий аҳамияти* шундаки, ундаги хулоса, таклиф ва тавсиялардан жиноят процессида хусусий айблов ва ярашув институтини кенгайтиришнинг назарий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* шундаки, улар натижасида шакллантирилган таклиф ва тавсиялардан ЖПКнинг хусусий айбловни амалга ошириш тартибини белгиловчи нормаларини такомиллаштиришда ва жиноят процессида иштирокчиларнинг диспозитив ҳуқуқларини кенгайтиришни назарда тутувчи нормаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят процессида хусусий айблов институтини такомиллаштириш учун олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячиси ва қонуний вакилларининг, жабрланувчи ҳамда унинг вакилининг кассация инстанцияси судига янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамлашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги «Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-664-сон қонунининг 1-моддаси 42-банди билан киритилган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 524-моддасини янги таҳрирда ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 31 майдаги 06/1-05/2858-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши орқали суд босқичларида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари қонунчиликда кенгрок мустаҳкамланишига эришилган;

прокурорнинг айбловдан воз кечишини суд томонидан жиноят ишининг реабилитация асосларига кўра тугатилишига олиб келувчи ҳолат сифатида белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги «Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-664-сон қонунининг 1-моддаси 25-банди билан киритилган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддаси тўртинчи қисмини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 31 майдаги 06/1-05/2858-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши суд муҳокамасида айбловдан воз кечилганида судланувчининг реабилитация этилишига ҳамда бу орқали унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига хизмат қилган;

шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирор ёзма ёки оғзаки кўрсатув олишни исбот қилишнинг умумий шартларини бузиш деб баҳолаш лозимлигига доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-675-сон қонунининг 2-моддаси ўн иккинчи банди билан киритилган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 88-моддаси иккинчи қисми 6-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 8 майдаги 27/2-135-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши судга қадар иш юритишда аризачи, ушланган шахс, гумон қилинувчи ва гувоҳларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатланишига хизмат қилган;

химоя қилиш (хавфсизлик) чораларини жиноят иши қўзғатилгунига қадар аризаچига, жиноят шоҳиди ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фoш этишда қўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўллашни назарда тутувчи қоидаларни белгилашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини химоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-515-сон қонунининг 4-моддаси иккинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 8 майдаги 27/2-135-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши терговга қадар текширув ва тергов даврида жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳамда уларга нисбатан химоя чораларининг кучайишига олиб келган;

судга қадар иш юритишда оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар бўйича, шунингдек айбига иқроор бўлган гумон қилинувчи ёки айбланувчилар билан ўтказиладиган тергов ҳаракатларини видеотасвирга тушириш мажбурийлигини таъминлашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 54-банди «в» кичик бандининг ўн иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 9 ноябрдаги 33/01-04/2525-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жиноят ишларини юритишда қонунийликни ҳамда далиллар мақбуллигини таъминлашга хизмат қилган;

ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича берилган шикоят аризаларининг жабрланувчи томонидан қайтариб олиниши ҳолатларида ишни ЖКнинг 66¹-моддаси талабларига мувофиқ тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш шартлигини ҳукуқий мустаҳкамлашга доир таклифлар ишни судга қадар юритиш амалиётига жорий этилган ҳамда хусусий айблов билан боғлиқ ариза ва хабарларнинг қонуний ва ўз вақтида ҳал қилинишига, ушбу турдаги ишларда жиноят-процессуал фаолиятнинг зарурат ва асослар бўлганида амалга оширилишига, суд-тергов амалиётида хусусий айблов ва ярашув институтининг янада самарали қўлланилишига хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 22 сентябрдаги 18/5354-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши хусусий айбловга оид ишларда ярашув институтининг кенгроқ қўлланилишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 28 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография, 13 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 11 параграфни ўзига олган беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 248 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Жинойт процессида хусусий айблов тушунчаси ва ҳуқуқий асосларининг ривожланиши**» деб номланган ва унда хусусий айбловнинг мазмуни, зарурати, шаклланиши ва ривожланиши, бизда илгари амал қилган жиноят-процессуал қонунларга кўра хусусий айблов асосида иш юритиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «*Жиноят процессида хусусий айбловнинг мазмуни ва тутган ўрни*» ҳақида бўлиб, унда муаллиф жиноят процесси, унинг тизими, мақсади, вазифа ва функциялари, жиноят-процессуал фаолият, унинг асослари бўлган айбловнинг мазмуни ва шакллари, шунингдек диспозитивлик ва хусусий айбловнинг моҳияти ҳақида фикр юритган. Ҳуқуқшунос олимлардан Б.Т.Акрамходжаев, Вернер Бойльке, Д.М.Миразов, Б.А.Миренский, Б.Б.Муродов, Ф.М.Мухитдинов, Э.Х.Нарбутаев, Б.Х.Пўлатов, Б.Г.Розовский, Х.У.Рустамов, М.С.Строговичларнинг «жинойт процесси», «жинойт-процессуал фаолият», «жинойт-процессуал фаолиятнинг зарурлиги», «жинойт-процессуал фаолиятнинг асослари» ҳақидаги фикрлари таҳлил қилиниб, хусусий айбловнинг жиноят процессидаги ўрнини очиқ беришга ҳаракат қилинган. Таҳлил натижасида ушбу тушунчаларга қуйидаги таърифлар ишлаб чиқилган:

жинойт процесси – терговга қадар текширув органлари, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибда амалга ошириладиган жиноятни ва уни содир этган шахсни аниқлаш, унинг айбини фош этиш, унга нисбатан жиноий жавобгарлик (жазо) чораларини ёки бошқа чораларни қўллаш ва келгусида бу каби жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган фаолияти, шунингдек ушбу фаолият туфайли унда иштирок этувчи органлар ва шахслар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими;

жинойт-процессуал фаолият – ушбу фаолият субъектларининг онгидаги муайян ходиса ҳақидаги тасаввурлар, тусмол ва тахминлар, тўпланган далилларни баҳолаш ва тегишли хулосаларга келишдан иборат психик жараёнлар ҳамда далилларни тўплаш ва текшириш, одил судловни таъминлаш учун зарур шароит яратишга қаратилган процессуал ва тергов ҳаракатларини бажаришдан иборат мураккаб жараён;

жиноят-процессуал фаолиятнинг зарурлиги – содир этилган жиноят ҳодисаси билан боғлиқ иш юритуви, яъни терговга қадар текширув, тергов фаолияти ва ишни судда кўриб ҳал қилиш вақт, оқибат, муносабат, чиқим ва мақсадга мувофиқлик жиҳатидан самарали бўлганида амалга оширилишини тақозо этадиган умумижтимоий эҳтиёж;

жиноят-процессуал фаолиятнинг асослари – шахсларнинг жиноят ҳодисаси ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этилгани ҳақидаги хабарлари, жиноят ёки қилмиш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахс ёки унинг вакили ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва айбдор шахсни жавобгарликка тортишни сўраб қилган мурожаати, талаби ёки даъвоси ҳамда жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги (бунга суиқасд қилинганлиги) ҳолатини тасдиқловчи маълумотлар.

Жиноят-процессуал фаолиятнинг зарурлигини белгилловчи қуйидаги *хусусиятлари ажратилган*: хусусий ёки хусусий-оммавий айбловга оид ишларда фаолият диспозитив ҳуқуқларга эга процесс иштирокчисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан фойдали бўлиши; одил судловни таъминлаш нуқтаи назаридан самарали бўлиши; давлат ва жамият манфаатлари учун зарарли бўлмаслиги; жабрланувчи, гувоҳ каби иштирокчиларнинг манфаатларига зиён етказмаслиги; жиноят содир этган шахсни нормал ижтимоий ҳаёт тарзига қайтаришга хизмат қилиши; жавобгарликка ёки жазога тортилаётган шахснинг яқинлари ва қарамоғидаги шахслар ёки у ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилотнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар келтирмаслиги; турли нохуш оқибатларга сабаб бўлмаслиги керак.

Диссертант Б.Т.Акрамходжаев, Д.Ш.Бекматова, Л.А.Василенко, О.С.Головачук, К.Ф.Гуценко, И.С.Дикарев, А.К.Кулбаев, Д.Қурбонов, Е.Н.Никифорова, Х.У.Рустамов, А.В.Смирнов, А.А.Старовойтов, М.С.Строгович, З.З.Талинева, И.Я.Фойницкий ва бошқа олимларнинг хусусий айбловнинг мазмуни ҳақида билдирган фикрларини таҳлил қилиб, улар асосан бир йўналишда эканлигини, лекин хусусий айбловнинг мазмунини қисман очиб беришини таъкидлайди. Х.У.Рустамовнинг процессуал шаклнинг турли кўринишларини ажратиш (дифференциация) масаласини энг муҳим принциплар қонунийлик, одиллик, ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш ва ҳақиқатни аниқлашни руёбга чиқариш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикрларини маъқуллаган ҳолда, жиноят процесси ягона шаклда бўлиши зарур мазмунида қарашларга эга олимларнинг фикрларига қўшилмайди. Хусусий айбловга оид ишларни юритиш тартиби ҳам алоҳида процессуал шаклга эгаллигини, жиноят процессини дифференциациялашда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни юритиш тартибини соддалаштириш мақсадга мувофиқлиги ҳамда оғир ва ўта оғир турдаги айрим жиноятларга оид ишларни юритиш тартиби эса кафолатларни кучайтириш йўналишида мукамал белгиланиши зарурлигини эътироф этади.

Шунингдек *айблов, хусусий айблов (тор ва кенг маъноларда), диспозитивлик* тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ҳамда хусусий айбловнинг аҳамияти қуйидагиларда кўзга ташланиши қайд этилган: 1) шахс хоҳиши ва талабларининг, фуқаролар (халқимиз) фикрининг биринчи навбатда ҳисобга

олинишини таъминлайди; 2) жиноий иш юритув жараёнида демократик ва инсонпарварлик принципларига тўлиқ риоя этилишига хизмат қилади; 3) кам аҳамиятли ёки самарасиз жиноий таъқиб тугатилишига (бошланмаслигига) хизмат қилади; 4) давлатнинг куч ва воситалари тежалишига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади; 5) жиноят ёки ҳодиса оқибатларининг тез ва самарали бартараф этилишига имкон беради; 6) жиноий жавобгарлик натижасида шахс ҳуқуқларини чекловчи оқибатлар келиб чиқишининг олди олинади; 7) давлатнинг жиноий соҳадаги сиёсати либераллаштирилишининг ифодаси ҳисобланади; 8) жиноят ҳодисаси билан боғлиқ низоларни қисқа муддатларда ҳал этиш имкони яратилади ва бунда давлатнинг аралашуви чекланади; 9) жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг замон талабларига мувофиқлашувини таъминлайди; 10) кечиримлик асосида салбий хулқ-атворга эга фуқароларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жараёнларига ижобий таъсир қилади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «*Хусусий айблов шаклида жиноят ишларини юритишнинг ривожланиш хусусиятлари*»га бағишланган бўлиб, диссертант унда М.С.Строгович, М.А.Челцов-Бебутовнинг жиноят процессининг шаклланишига оид фикрларини ва бошқа тарихий манбаларни таҳлил қилиб, жиноят процессининг айблов, тортишув, қидирув ва аралаш шаклларида ҳам хусусий айблов асосида иш юритилганлиги, ислом ҳуқуқида ҳам жиноятлар билан боғлиқ кўпгина ишлар хусусий айблов асосида амалга оширилганлигини, ўрта асрларда хусусий айблов институтининг дастлабки элементлари Англия ҳуқуқ тизимида шаклланганлигини, хусусий айблов институти XIX аср ўрталарига келиб, англо-саксон, шунингдек роман-герман ҳуқуқ тизимида мансуб давлатлар, шу жумладан, мамлакатимиз миллий қонунчилигида ҳам ўзига хос кўринишда акс этганлигини қайд этади.

Муаллиф мустамлакачилик давридаги жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил қилиб, собиқ Иттифоқ жиноят-процессуал қонунчилигидаги хусусий айблов тартибида ишларни юритиш аслида ҳақиқий хусусий айблов мазмунини йўқотганини, 1926 ва 1929 йилги ЖПКларда ҳам хусусий айблов элементлари мавжудлиги, уларга кўра хусусий айбловга алоқадор жиноятлар бўйича иш кўзғатишда жабрланувчининг шикояти бўлиши шартлиги кўрсатилгани, бундай ишлар жабрланувчининг шикояти асосида судда кўзғатилгани, 1959 йил 21 майдаги ЖПКга кўра беш турдаги жиноятлар бўйича фақат жабрланувчининг шикояти билан иш кўзғатилиши ва айбланувчи билан ярашилган тақдирда иш тугатилиши белгилангани, бундай ишларда прокурор ёки суд дастлабки тергов ўтказиши шарт эмас деб топилган ҳолларда тергов ўтказилмаганлигини қайд этади.

Диссертант суд-ҳуқуқ тизимидаги асосий ислохотларнинг мазмуни ва амалдаги ЖПКнинг хусусий айбловга оид нормаларини таҳлил қилиб, ундаги муаммо сифатида хусусий айблов шаклида ишларни юритиш тартиби тўлиқ белгиланмаганлигини эътироф этади. Муаллифнинг фикрича, хусусий айблов асосида иш юритилиши, давлатнинг куч ва воситаларини, маблағини тежаши билан бирга, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлигини ҳамда мулк дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Хусусий айблов қонунда тўлиқ акс

этиши учун жабрланувчининг моддий диспозитив ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби, диспозитив ҳуқуқлардан воз кечилганида ариза ёки хабарни текшираётган, жиноят ишини тергов қилаётган масъул мансабдор шахснинг кейинги ҳаракатлари, ушбу тоифа ишларни юритишнинг ўзига хос тартибини белгилаш зарурлигини қайд этади ҳамда хусусий айблов институтини кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деган хулосага келади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи «*Мамлакатимизда илгари амалда бўлган жиноят-процессуал қонунчиликка кўра хусусий айблов асосида иш юритувини бошлаш ва жиноят ишини тугатиш хусусиятлари*» деб номланган бўлиб, унда хусусий айблов институтининг бугунга қадар ривожланиши билан боғлиқ ўзгаришлар ҳақида сўз юритилган. Мазкур параграфда Н.П.Азизов, П.А.Гусенова, С.А.Исҳоков, М.А.Ражабоваларнинг ўтказган тадқиқотлари натижаларига оид фикрлари таҳлил қилиниб, шариат нормаларига асосан фуқаронинг шахсий ҳуқуқларига дахл қиладиган, унча оғир бўлмаган ҳамда жамият ва давлат манфаатларига тўғридан-тўғри дахли бўлмаган қасос тоифасига кирувчи жиноятлар хусусий айбловга тааллуқлилиги, жисмоний шахснинг жони ёки соғлиғига қарши қилмишларни қамраб олиши ҳамда худди ўша ҳаракатни қайтариш, яъни қасос олиш орқали жазоланиши белгиланганлиги, қасос тоифасига кирувчи жиноятлар фақат жисмоний шахснинг ҳуқуқига дахл этиши боис ҳуқуқи бузилган шахс ёки унинг ворислари талаб қилсаларгина иш юритилганлиги, жиноят ишларини юритиш қасос тоифасидаги ишларда – хусусий айблов, таъзир тоифасидаги ишларда эса хусусий-оммавий айблов тартибида амалга оширилганлиги таъкидланади.

Муаллифнинг қайд этишича, XIX асрнинг 60-йилларида Россияда қабул қилинган Суд уставларида ҳам хусусий айблов институти белгиланган бўлиб, хусусий айбловга доир ишларда жабрланувчи тўғридан-тўғри судга мурожаат қилган, тергов ўтказилмаган. Судда хусусий айбловга доир ишлар оғзаки тарзда кўриб чиқилган, хусусий айбловчи (жабрланувчи)нинг ўз аризасини қайтариб олиши, суд муҳокамасига келмаслиги, айбланувчи билан ярашиши туфайли хусусий айбловга доир ишлар тугатилган. Хусусий айбловга доир жиноят ишларига ҳақорат, тухмат, таҳдид қилиш, ўзганинг кўчмас мулкани зўрлик билан эгаллаш, ўзганинг мулкани йўқ қилиш ёки унга зарар етказиш, талон-торож қилиш жиноятлари кирган.

Ўзбекистоннинг 1926 йил 16 июнда қабул қилинган биринчи ЖПКда хусусий айбловга доир ишларга қасддан баданга енгил шикаст етказиш, уриш, дўппослаш, оғзаки ёки ёзма равишда, хусусан матбуот ёки суратлар орқали ҳақорат қилиш, тухмат, жумладан матбуот орқали тухмат қилиш жиноятлари киритилган. 1929 йил 29 июндаги ЖПКнинг 3-моддасига кўра, ўзбошимчалик, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, уриш, дўппослаш, оғзаки ёки ёзма равишда, матбуотда ёки суратлар орқали ҳақорат қилиш, тухмат, жумладан матбуот орқали тухмат қилиш, ўғрилиқ, ўзлаштириш, муаллифлик ҳуқуқини бузиш ва бировнинг товар белгиси, фирмаси ёки номидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш жиноятлари фақат жабрланувчининг шикоятига асосан кўзгатишган, дастлабки тергов ўтказилмаган ва айбланувчи билан ярашилганида иш тугатилган. 1959 йил 21 майдаги ЖПКда хусусий айбловга доир ишларни юритишнинг алоҳида

тартиби белгиланган, бу эса мазкур институтнинг самарали қўлланилишига хизмат қилган. Хусусий айбловга доир ишларга баданга қасддан енгил жароҳат етказиш, уриш, қийнаш, тухмат ёки ҳақорат қилиш, ўзбошимчалик жиноятлари тегишли бўлган. (Чор Россияси қонунчилигида 8 та, РСФСРнинг 1922 йилдаги ЖПКда 4 та, Ўзбекистоннинг 1926 йилдаги ЖПКда 4 та, 1929 йилги ЖПКда 8 та, 1959 йилдаги ЖПКда 5 та жиноят таркиби хусусий айбловга тегишли бўлган).

Муаллиф А.Ф.Кони, А.Л.Корякин, И.Я.Фойницкийларнинг таҳлилий қарашлари ва илгари амалда бўлган қонунларни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, илгари ҳам хусусий айблов институти кенг қўлланилганлиги, аммо ХХ асрда қисқариб борганлиги, асрнинг охириги чорагига келиб жиноят-процессуал фаолиятни бошлашнинг диспозитив асослари ҳам қонунда белгиланиши кераклиги, хусусий айблов институти янада кенгайтириш зарурлиги эътироф этилганлигини қайд этади ҳамда шунга кўра хусусий айбловни кенгайтириш одил судлов мақсадларига эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Жиноят ишларини хусусий айблов шаклида юритишнинг процессуал ҳуқуқий механизми»** деб номланиб, унда хусусий айблов институтининг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланиши, хусусий айблов асосида иш юритишнинг хусусиятлари, жиноят-процессуал қонунчиликдаги хусусий айблов институти қўллаш механизми билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз юритилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи *«Жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солишнинг диспозитив асослари»* деб номланиб, мазкур параграфда ЖПКдаги диспозитив ҳуқуқлар белгиланган нормалар, хусусий айбловга оид қоидалар таҳлил қилинган. Муаллифнинг қайд этишича, диспозитивлик ҳақидаги нормалар бевосита процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари таркибида, шунингдек ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш тартибига оид қоидаларда акс этган. ЖПКда белгиланган диспозитив ҳуқуқларга: ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; жиноят ишининг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш; суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш; даъвога эътироз билдириш; адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш киради.

Тадқиқотчи, хусусий айбловга оид қоидалар амалдаги ЖПКнинг 1, 2, 11, 17, 64, 84, 116, 325, 329, 330, 333, 342, 372, 373, 401, 582-586-моддаларида тартибга солинганини, хусусий айблов асосида иш юритиладиган жиноят турлари ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилганлигини, ушбу моддадаги ва жиноят иши кўзғатилганидан сўнг жабрланувчи айбланувчи билан ярашганлиги туфайли

жиноят ишини тугатиш мумкин бўлган жиноятлар бўйича иш юритуви тўлиқроқ хусусий айблов эканлигини асослайди.

Диссертант И.С.Дикарев, Ф.М.Мухитдинов, А.В.Смирновларнинг диспозитивлик мазмуни, хусусиятлари ва белгиларига оид фикрлари, жиноят-процессуал қонун нормалари таҳлилидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликда хусусий айблов асосида иш юритишнинг процессуал тартиби тўлиқ белгиланмаганлигини, жабрланувчининг шикоят бўлиши талаб этиладиган жиноятларда жабрланувчи томонидан шикоят бермаслик ҳолатига ойдинлик киритиш ва уни расмийлаштириш, шикоят бермаслик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни жабрланувчига тушунтириш, жиноят содир этган деб тахмин қилинаётган шахснинг ушбу асос билан жиноят иши қўзғатишнинг рад этилишига муносабати, энг муҳими уларнинг ҳуқуқий мақомига оид масалалар аниқ тартибга солинмаганлигини, бу эса ушбу турдаги ишларни юритишда амалиётчи ходимлар фаолиятида шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва юритувидаги ҳужжатларни қонуний ҳал қилиш учун текширувни ташкил этиш ва ўтказишда келиб чиқадиган муаммоларнинг оқилона ечимини топишда муайян қийинчилик ва номувофикликларни келтириб чиқариши мумкинлигини асослашга ҳаракат қилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи *«Мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигидаги хусусий айбловни қўллаш механизмининг ўзига хос жиҳатлари»* деб номланиб, унда бугунги суд-тергов амалиётида хусусий айбловни қўллаш билан боғлиқ ҳолда вужудга келаётган муаммолар, уларнинг сабабларини комплекс таҳлил қилган. Диссертант С.С.Алексеев, С.М.Саҳадинов, С.А.Кузнецова, Д.Курбонов, А.В.Малько, М.Х.Рустамбаев, А.С.Якубовларнинг ҳуқуқни қўллаш ва хусусий айбловни қўллаш механизмига оид фикрларини таҳлил қилиб, бу борадаги муаммоларга хусусий айбловга доир ишларни юритишнинг алоҳида тартиби белгиланмаганлиги, хусусий айблов институтини қўллаш билан боғлиқ жабрланувчининг ҳуқуқлари батафсил қайд этилмаганлиги, хусусий айбловнинг моддий ҳуқуқий асосларини белгилашдаги бўшлиқлар киришини аниқлаган, қонундаги бўшлиқлар сабаб жабрланувчиларнинг диспозитив ҳуқуқлари таъминланмай қолаётгани ёки бузилаётганини эътироф этган.

Муаллиф, жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган ЖПКнинг 55-моддасида хусусий айбловни қўллаш механизмига оид асосий қоидалар, жумладан фаолиятни амалга ошириш учун асос бўладиган нормалар акс этиши, яъни жабрланувчининг шикояти мазмунига оид талаблар, жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатишнинг ўзига хос хусусиятлари, шартлари ва тартиби, шикоятни қабул қилиш ҳамда иш юритувининг соддалаштирилган тартиби алоҳида бобда белгиланиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг **«Жиноят процессида хусусий айбловни қўллашга оид суд-тергов амалиётининг ҳолати»** деб номланган учинчи бобида хусусий айбловга оид жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни текшириш, тергов қилиш ва суд муҳокамасини ўтказишнинг хусусиятлари, бугунги амалиёти таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «Хусусий айблов билан боғлиқ ишларда терговга қадар текширув ўтказишнинг бугунги ҳолати» деб номланган бўлиб, ушбу параграфда муаллиф, хусусий айбловга доир ишларда терговга қадар текширув ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд муаммоли ҳолатлар ва уларнинг мақбул ечимлари ҳақида мулоҳаза юритган.

Муаллиф хусусий айбловга доир ишлар юз берадиган ижтимоий муносабатлар доирасига кўра соғлиққа шикаст етказиш (ЖК 105, 109, 110, 111-моддалар), жинсий дахлсизлик ва эркинликни бузиш (ЖК 118, 119, 121-моддалар), шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш, уй-жой дахлсизлигини бузиш (ЖК 136, 139, 140, 141¹, 149-моддалар) ҳамда мулкий ҳуқуқларни бузиш (ЖК 167, 170, 172, 173-моддалар) билан боғлиқ жиноятларни қамраб олишини, шундан келиб чиқиб текширув хусусиятлари тўрт хил усулда амалга оширилишини аниқлаган. Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда иш кўзғатишни рад этиш қарори қабул қилиниши 56 фоиз ҳолларда баданга қасддан енгил шикаст етказиш билан боғлиқлиги, 24 фоиз атрофида қасддан баданга ўртача оғирликда шикаст етказиш ва қолганлари бошқа жиноятларга оид ҳодисалар эканлигини, алоҳида турдаги жиноятларга оид мурожаатларнинг жами миқдорига нисбатан солиштирилганида бу миқдор 2019 йилда баданга енгил шикаст етказиш жиноятига оид хабарларда 64 фоиздан ортиқроқни, баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш билан боғлиқ хабарларда 57 фоиздан ортиқроқни, номусга тегишга оид хабарларда 87 фоизга яқинни ташкил этганлигини қайд этади.

Хусусий айбловга доир ишларда терговга қадар текширув ўтказиш билан боғлиқ амалиётда учрайдиган муаммоларга: 1) жабрланувчи дастлаб жаҳл устида шикоят бериб, бироз вақт ўтганидан сўнг берган шикоятини қайтариб олиш истагини билдириши; 2) жабрланувчининг шикоят бермаслиги билан бирга экспертиза текширувидан ўтишдан ҳам бош тортиши; 3) жабрланувчининг кимлиги ва қаердалиги аниқланмай қолиши; 4) мазмунан хусусий айбловга доир бўлса-да, ЖПКнинг 325-моддасида белгиланмаганлиги боис жабрланувчи шикоят бермаса-да, жиноят иши кўзғатишни рад этиш мумкин эмаслиги кабиларни киритади. Хусусий айбловга оид ариза, шикоят ва бошқа хабарларни ҳал қилишда учраётган муаммолар процессуал қонунчиликдаги бўшлиқлар билан боғлиқлигини аниқлаган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи «Хусусий айблов билан боғлиқ ишларни тергов қилиши ва судда кўриб чиқиши амалиёти» деб номланган бўлиб, ушбу параграфда тергов органлари томонидан юритилаётган жиноят ишларига оид статистик маълумотлар, тергов амалиётининг бугунги ҳолати таҳлил қилинган (2019 йилда жами кўзғатилган ишларнинг 4,3 фоизидан кўпроғини – ЖКнинг 109-моддаси, 2,5 фоизини – 105-модданинг биринчи қисми, 0,012 фоизини – 110-модданинг биринчи қисми, 0,08 фоизини – 111-моддаси, 0,21 фоизини – 118-модданинг биринчи қисми, 0,04 фоизини – 119-модданинг биринчи қисми, 0,008 фоизини – 121-модданинг биринчи қисми, 0,028 фоизини – 136-модда, 0,07 фоизини – 139-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари, 0,48 фоизини – 140-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари, 0,004 фоизини – 141¹-модданинг

биринчи қисмида кўрсатилган жиноятларга оид ишлар ташкил этган. 149-модда билан иш кўзғатилмаган). Хусусий айбловга доир жиноятлардан асосан баданга қасддан шикаст етказиш, қисман жинсий эркинлик ва дахлсизликка қарши қаратилган, ҳақорат қилиш ва тухмат каби жиноятлар тергов қилинаётгани қайд этилган. Муаллиф фикрича, хусусий айбловга доир жиноят ишлари асосан уч йўналишдаги ижтимоий муносабатлар доирасида бўлиб, уларни тергов қилиш ҳам тегишлича уч йўналишда, яъни 1) баданга шикаст етказиш жиноятлари, 2) жинсий жиноятлар ва 3) ҳақорат қилиш ва тухмат жиноятлари ажратилган ҳолда амалга оширилмоқда. Муаллиф аниқлашича, хусусий айбловга оид ишларни тергов қилишда жабрланувчида берган шикоятини қайтариб олиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги ва бошқа диспозитив ҳуқуқлари тўлиқ акс этмаганлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Тадқиқотчининг фикрича, судда хусусий айбловни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари ярашув институтига асосан жиноят ишларини тугатишда учрайди, ярашув институти хусусий айбловни ифодаласа-да, жабрланувчининг диспозитив ҳуқуқларини тўлиқ акс эттира олмайди. Судларда ярашув тўғрисидаги ишларни кўришда жиддий муаммолар кўзга ташланмайди, судда ярашув тўғрисидаги ва хусусий айбловга доир бошқа ишларни кўришда юзага келаётган муаммоларга: 1) ЖКнинг 66¹-моддаси талабларига кўра барча шартлар бажарилса-да, гумон қилинувчи, айбланувчи судга кела олмаслиги натижасида, ярашув институти қўлланилмаслиги; 2) жиноят содир этилиши натижасида етказилган зарарнинг хусусиятлари ва миқдорини аниқлаш, қопланишини таъминлаш механизмига оид умумий тартиб белгиланмаганлиги, баъзида етказилган зарар миқдори жабрланувчи томонидан ошириб кўрсатилиши ва бунинг оқибатида зарар қопланмаслиги; 3) айрим ҳолларда айбланувчининг етказилган зарарни қоплашга имкони бўлмаслиги киради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Чет давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида хусусий айблов институтини тартибга солиш хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, унда Осиё, Европа, Америка, Африка қитъаларидаги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо айрим мамлакатлар қонунчилигида хусусий айблов институтининг белгиланиши таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «*Айрим ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар қонунчилигида хусусий айблов институтининг белгиланиши*» деб номланган бўлиб, унда Осиё ва Европа қитъасидаги айрим мамлакатлар, АҚШ ҳамда Африка қитъасидаги баъзи давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда Т.Р.Апарова, Р.У.Ахмедов, А.М.Гамидов, П.А.Гусенова, Е.А.Мишиналарнинг мазкур давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигига оид фикрлари таҳлил қилиниб, ушбу давлатларда хусусий айблов институтининг белгиланишига оид ўзига хос жиҳатларга тўхталиб ўтилган. Жумладан, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Япония каби давлатлар қонунчилигидаги хусусий айбловга тегишли жиноят турлари ҳамда хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг алоҳида тартибига оид хусусиятлари баён этилган. Саудия Арабистонида жиноят ва жазо тизимининг ислом ҳуқуқидаги таснифланиши (қасос, таъзир, ҳадд)дан келиб чиқадиган жиноий таъқибни амалга ошириш тартиби фарқланади, яъни хусусий, хусусий-оммавий ва оммавий айбловга

ажратилган. Жабрланувчи жиноий таъқибни амалга оширишда кенг ҳуқуқларга, жумладан барча тергов ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқига эга, жабрланувчининг айбланувчини кечириши иш юритувини тугатишга асос бўлади.

Диссертант Эрон Ислом Республикасида ҳам жиноятлар уч турга ажратилганлиги ва шунга мувофиқ иш юритуви ҳам фарқланишини, яъни: 1) ислом ҳуқуқига (шариатга) кўра жазо тайинланадиган жиноятлар – оммавий таъқиб (айблов); 2) жамоат манфаатлари ва жамоат тартибига қарши жиноятлар – оммавий-хусусий айблов; 3) жисмоний ва юридик шахсларнинг индивидуал ҳуқуқларини бузувчи жиноятлар – хусусий айблов амалга оширилишини, хусусий айбловга оид ишларда жабрланувчининг айбланувчини кечириши ишни тугатишга асос бўлишини, кечириш ҳукм чиққанидан сўнг юз берса, тайинланган жазо ижро этилмаслигини қайд этади.

Диссертацияда Англия қонунчилиги таҳлил қилиниб, хусусий айбловга оид ишларда расман судга қадар иш юритуви мавжуд бўлмаслиги, хусусий шахс ўзи тергов олиб бориши ёки бу ишни бировга (адвокатга) топшириши, шунингдек хусусий қидирув бюросига мурожаат қилиши мумкинлиги, хусусий айбловга оид ишларда айбловчининг айбловдан воз кечиши ишни тугатишга асос бўлиши, ушбу тоифа ишлар соддалаштирилган тартибда кўрилиши, АҚШ қонунчилиги ҳам Англиядагига ўхшаш эканлиги қайд этилган.

Муаллиф Германия Федератив Республикаси қонунчилигини таҳлил қилиб, хусусий айбловга оид таъқибни фақатгина жабрланувчи кўзғатиши мумкинлигини, хусусий айбловни кўзғатиш қонунда муайян муддат билан чекланганлигини, унга кўра жиноий қилмиш содир этилганлиги ҳақида жабрланувчига маълум бўлганидан бошлаб уч ой ичида жабрланувчи судга мурожаат қилиши мумкинлигини ва хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг, шунингдек Франция жиноят процессининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи параграфи *«Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари жиноят-процессуал қонунчилигида хусусий айблов институтини тартибга солиш хусусиятлари»* деб номланган бўлиб, унда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон, Беларусь давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилиги таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида Россияда жиноий таъқиб (айблов) уч хил, яъни оммавий, хусусий-оммавий ва хусусий айблов кўринишида амалга оширилиши, хусусий айбловга доир ишларга қасдан соғлиққа енгил шикаст етказиш, дўппослаш, тухмат қилиш жиноятлари кириши, хусусий айбловга доир ишларни юритишнинг алоҳида тартиби белгиланганлиги, иш бу тартибда юритилиши учун жабрланувчи жиноятни содир этган шахс кимлигини билиши ҳамда жиноят содир этган шахсга қарам бўлмаслиги шарт эканлиги келтирилган.

Муаллиф Қирғизистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасида хусусий айблов институти белгиланишидаги ўзига хос жиҳатларга: 1) судга қадар иш юритувининг расман ўтказилмаслиги; 2) иш юритиш тартибининг мукамал белгиланганлиги, яъни содда ва тезкорлиги; 3) ариза (шикоят) шакли ва мазмунига оид талаблар аниқ белгиланганлиги; 4) ярашув асосида ишни тугатиш мумкинлиги ва унинг соддалиги; 5) медиация институтини қўллаш мумкинлиги (мавжудлиги); 6) судда ишни кўришнинг алоҳида тартиби белгиланганлиги;

7) жиноят ишини кўзғатиш институти йўқлигини киритади. Озарбайжон Республикасида хусусий айбловга оид ишларда дастлабки тергов ўтказилмаслиги, Беларусь Республикасида хусусий айбловни қўллашнинг хусусиятларидан бири айрим турдаги жиноятлар яқин қариндошига нисбатан содир этилганида жабрланувчи ариза бермаса, жиноят иши кўзғатилмаслигини аниқлаган.

Қонунчилиги таҳлил қилинган давлатларда хусусий айблов институти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигидагига нисбатан тўлиқроқ белгиланганлиги ва ушбу ижобий тажрибани миллий қонунчиликка жорий этиш мумкинлиги аниқланган. Хорижий давлатларнинг хусусий айблов институти белгиланишига оид ижобий тажрибалари: 1) хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, судга қадар иш юритуви мавжуд эмас, иш юритиш тартиби содда ва тезкор; 2) хусусий айбловга оид ишларда айбловни жабрланувчи амалга оширади; 3) жабрланувчи шикоятининг шакли ва мазмунига оид талаблар аниқ белгиланган; 4) хусусий айбловга оид ишларда тарафларни яраштириш учун барча имкониятлар ишга солинади. Медиация институти мавжуд.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Жиноят процессида хусусий айблов шаклида иш юритишни такомиллаштириш**» деб номланган бўлиб, унда жиноят ишларини юритишга қўйиладиган талаблар, хусусий айблов шаклида иш юритишни такомиллаштириш, шунингдек жиноят ишларини юритиш тартибини соддалаштириш масалалари ҳақида фикр юритилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «*Хусусий айбловга оид ишларни юритиш тартибини такомиллаштириш*» деб номланган бўлиб, унда жиноят ишларини юритишга қўйилаётган бугунги талаблар, хусусий айбловга оид ишларни юритиш тартибини такомиллаштириш масалалари ҳамда қонунчиликка ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлар баён этилган. Муаллифнинг фикрича, жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширишда учраётган муаммоларнинг сабабларидан бири хусусий айблов асосида иш юритиш мақсадга мувофиқ бўлган ўринларда ҳам қонунчилигимизда оммавий айблов асосида иш юритилишига оид талаблар белгиланганидир. Шунга кўра, хусусий айблов асосида иш юритиш доирасини кенгайтириш, ушбу тоифадаги ишларни юритишнинг алоҳида тартибини белгилаш, шунингдек соддалаштирилган тартибда иш юритиш шартлари ва қоидаларини жорий этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш мумкин.

Муаллиф хусусий айбловни қўллаш тартибига оид қонундаги бўшлиқларни таҳлил қилган, жиноят-процессуал фаолиятга тизимли ёндашган ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсатидан кўзланаётган мақсаддан келиб чиқиб, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни узвий равишда такомиллаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлигини қайд этади. Шунга кўра, амалдаги ЖПКга хусусий айбловни қўллашга оид ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида қуйидагича таклифлар беради.

1. ЖПКни «**ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ АЙБЛОВ**» номли янги 2¹-боб ва «**ХУСУСИЙ АЙБЛОВГА ОИД ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**» номли янги 61¹-боб, янги 53¹, 332¹, 335¹-моддалар билан тўлдириш.

2. 83-моддаси матнини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1) *иш юритилган ва тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;*

2) *унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;*

3) *унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса;*

4) *унинг айбдорлиги етарли далиллар билан исботланган бўлмаса;*

5) *хусусий айбловга оид ишларда жабрланувчининг шикоятини бўлмаса ёки шикоят қайтариб олинган бўлса, ушбу Кодекс 325-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.*

Қилмишининг кам аҳамиятлилиги туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбсиз деб топилганида қабул қилинадиган қарор ушбу модданинг биринчи қисми 2-бандига асосан чиқарилади. Жиноят кодексининг 167, 168, 169-моддаларида кўрсатилган жиноятлар жисмоний шахснинг мулкига нисбатан содир этилиб, бу ҳақда жабрланувчи шикоят бермаса ва талон-тороғ қилинган мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаса, кам аҳамиятли қилмиш деб топилади.

3. 84-моддасининг биринчи қисми 6-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

б) *хусусий айбловга оид жиноят ишларида жабрланувчи айбланувчи, судланувчи билан ярашса;*

4. 321-моддани қуйидаги таҳрирда ифодалаш:

321-модда. Жиноят иши кўзгатиши

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текиширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда, башарти ушбу Кодекснинг 84-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланмаган бўлса, жиноят иши кўзгатади.

Хусусий айблов билан боғлиқ жиноятларга оид ҳолатлар ҳақида жабрланган шахс, унинг қонуний вакили ёки уларнинг вакили берган ариза иш кўзгатишмасидан тегишли судга юборилади ва суд томонидан ушбу ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун ўз иш юритувига қабул қилинганида иш кўзгатишган деб ҳисобланади.

5. 329-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ҳамда дарҳол, жиноят иши кўзгатилиши учун сабабнинг қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текишириш зарур бўлган тақдирда эса ўн суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид ариза, хабар ёки бошқа маълумот олинган пайтдан бошлаб ҳамда ишни кўзгатиши ёки кўзгатишини рад қилиши тўғрисида қарор чиқарилгунигача қадар ёхуд терговга қадар текиширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга ҳамда хусусий айбловга доир жиноятлар ҳақидаги материаллар эса судга юборилгунигача қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

6. 333-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Ушбу Кодекснинг 332¹-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда терговга қадар текиширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят иши қўзғатишини рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташиқлот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Жиноят ишини қўзғатишини рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси прокурорга юборилади.

Жиноят иши қўзғатишини рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилганида, қарор қайси асосга кўра чиқарилишидан қатъи назар, қилмиш жиноят сифатида рўйхатга олинмайди.

Ушбу Кодекснинг 332¹-моддаси биринчи қисми 3, 4-бандларида назарда тутилган асосларга кўра жиноят иши қўзғатишини рад қилишга, агар ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатишини рад қилиш тўғрисидаги масала қўйилаётган шахс ёки вафот этган шахснинг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди.

Бешинчи бобнинг иккинчи параграфи «*Жиноят процессида хусусий айбловни кенгайтириш ҳамда жиноят процессини соддалаштириш йўналишлари*» деб номланган бўлиб, унда А.Ф.Кони, Э.Х.Нарбутаев ва Х.У.Рустамовларнинг суд жараёнларини соддалаштириш ва қисқартирилган иш юритиш тартибини жорий этиш йўналишидаги фикрларини ривожлантирган ҳолда хусусий айбловни кенгайтириш, ишни судга қадар юритиш ва суд босқичларини ўзаро мувофиқлаштириш, жиноят ишларини юритиш тартибини соддалаштириш йўналишлари ҳақида қуйидаги таклифларни берган: 1) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ярашув институтини киритиш; 2) айбига иқдор бўлган шахслар иши бўйича қисқартирилган тергов ўтказиш, уларга айб эълон қилиш ва айблов хулосасини расмийлаштириш тартибини соддалаштириш, суд муҳокамасини соддалаштирилган тарзда ўтказиш; 3) иш самарадорлигини ошириш учун фаолиятга баҳо беришнинг ҳолисона ҳамда тезкор усул ва мезонлари, ҳар бир орган, соҳавий хизмат, қолаверса, ҳар бир ходим учун алоҳида баҳолаш мезонлари янгидан ишлаб чиқилиши ва рейтинг юритилиши; 4) жиноят процессида иштирокчилар зиммасига юклатилган вазифалар тўлиқ бажарилишига эришиш учун қонунда рағбатлантирувчи механизм ва нормаларни акс эттириш; 5) жиноят процессининг принциплари тизимидан «Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги»ни чиқариб ташлаш ҳамда 15-модданинг номи ва мазмунини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

15-модда. Жиноят содир этилишига йўл қўймастик

Прокурор, терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текиширувни амалга ошираётган мансабдор шахс жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноий ҳодисани, жиноий ҳодисадан жабрланган шахсларни, жиноят содир этилишида айби бўлган шахсларни, жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда

келгусида бу каби жиноятлар такрорланмаслиги учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт.

Муаллиф жиноят-процессуал фаолиятда учраётган муаммоларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилган ҳолда янги таҳрирдаги ЖК ва ЖПКларни ишлаб чиқишда инобатга олиш талаб этиладиган жихатларга эътибор қаратган. Унинг фикрича, фаолиятнинг зарурати, айбловнинг мазмуни ва турларидан келиб чиқиб, қонунда одил судловга эришишнинг кафолатлари, умумий тартибда иш юритиш билан бирга соддалаштирилган ёки тезлаштирилган тартибда иш юритиш, алоҳида тоифадаги ишларни юритишнинг махсус тартиби ва жиноят ишларини қисқа вақтда адолатли ҳал қилиш имконини берадиган янги қоидалар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Жиноят процессида хусусий айбловнинг мазмуни, белгиланиши ва қўлланиш амалиётини комплекс тадқиқ этиш натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясини ривожлантиришга оид илмий хулосалар:

1. Хусусий айбловнинг мазмунини очиб берувчи қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

айблов деганда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар (уларнинг вакиллари), суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг жиноятни очиш, жиноят содир этган шахснинг жавобгарлиги ҳақидаги масаланинг судда тўғри ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида ушбу шахснинг айби мавжудлигини исботлашга қаратилган процессуал фаолияти тушунилади;

хусусий айблов – фақат жабрланувчининг шикоятни бўлганида қўзғатиладиган, жабрланувчи (ёки унинг вакили)нинг талаб-хоҳиши асосида юритиладиган жиноятларга оид ишларда жабрланувчи ёки унинг номидан вакили (адвокати) қувватлайдиган айблов;

диспозитивлик деганда шахснинг ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва таъминланишини талаб этишидаги ихтиёрийлик, бузилган ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини талаб этиш ёки талаб этмасликдан бирини танлаш ҳуқуқи тушунилади.

2. Жиноят процесси иштирокчиларининг диспозитив ҳуқуқларига оид қуйидаги белгилар ажратилган: 1) диспозитив ҳуқуқдан фойдаланиш ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахс ёки давлат органи томонидан муайян ҳаракат бажарилишини талаб этади; 2) диспозитив ҳуқуқлар доимо процесс иштирокчисининг шахсий манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади; 3) диспозитив ҳуқуқларнинг амалга оширилиши натижасида жиноят иши юритувининг йўналишига жиддий таъсир кўрсатилади.

3. Хусусий айблов институтининг қонунчиликда белгиланишини таҳлил қилиш натижасига кўра амалдаги ЖПКда хусусий айблов асосида иш юритишнинг процессуал тартиби тўлиқ белгиланмаганлиги ҳамда хусусий айблов

асосида иш юритишнинг алоҳида тартибини қонунда белгилаш зарурлиги ҳақида хулосага келинган.

4. Жиноят-процессуал ҳуқуқ ривожланишининг барча босқичларида хусусий айблов институти самарали қўлланилганлиги аниқланган ва бу ҳозирги жиноят-процессуал ҳуқуқда ҳам хусусий айблов самарали қўлланилиши ҳақидаги тавсияларнинг асосли эканлигини тасдиқлайди.

5. Хусусий айбловга доир жиноят ишлари асосан уч йўналишдаги ижтимоий муносабатлар доирасида бўлиб, уларни тергов қилиш ҳам тегишлича уч йўналишда амалга оширилмоқда, шунингдек, хусусий айбловга доир ишларда жабрланувчи айбловни қатъий равишда охиригача қўллаб-қувватлаб турсагина айбланувчини айблаш ва ҳукм қилиш имкони бўлиши асослантирилган.

II. Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар:

1. ЖПКни қуйидаги таҳрирда янги 2¹-боб билан тўлдириш:

2¹-боб. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ АЙБЛОВ

27¹-модда. Жиноят-процессуал айблов турлари

Содир этилган қилмишининг оғирлик даражаси ва тавсифига боғлиқ равишда жиноят-процессуал айблов хусусий, хусусий-оммавий ва оммавий тартибда амалга оширилади.

Жиноят кодексининг 106–109, 111–112, 139–140, 141¹–143, 181, 191–192-моддаларида, 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган жиноятларга оид ишлар хусусий айбловга оид жиноят ишлари ҳисобланади ва фақатгина жабрланган шахснинг, унинг қонуний вакилининг шикоятига асосан юритилади. Жабрланувчи ночор аҳволда эканлиги, айбланувчига қарамлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят иши юритувини бошлаши мумкин. Агар жабрланувчи берган шикоятини қайтариб олса ёки айбланувчи билан ярашса, жиноят иши тугатилади. Айблов ҳукми чиқарилганидан кейин ярашилганида маҳкум жазодан озод этилади.

Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 110-моддасида, 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 117-моддасининг биринчи қисмида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121–123, 125, 136-моддаларида, 137¹-моддасининг биринчи қисмида, 138, 148-моддаларида, 167-моддасининг биринчи қисмида, 168–170, 172-моддаларида, 173-моддасининг биринчи қисмида, 181¹, 192¹, 229-моддаларида, 257-моддасининг биринчи қисмида, 258-моддасининг биринчи қисмида, 259-моддасининг биринчи қисмида, 260-моддасининг биринчи қисмида, 262-моддасининг биринчи қисмида, 263-моддасининг биринчи қисмида, 263¹-моддасининг биринчи қисмида, 266-моддасининг биринчи қисмида, 267-моддасининг биринчи қисмида, 268-моддасининг биринчи қисмида, 269-моддасининг биринчи қисмида, 277-моддасининг биринчи қисмида ва 298-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятларга оид ишлар хусусий-оммавий айбловга оид жиноят ишлари ҳисобланади ва фақатгина жабрланган шахснинг, унинг қонуний вакилининг шикоятига асосан юритилади. Жабрланувчи

ночор аҳволда эканлиги, айбланувчига қарамлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят иши юритувини бошлаши мумкин. Хусусий-оммавий айбловга оид ишлар ярашганлик муносабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддаси талаблари асосида ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан тугатилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилганидан бошқа жиноятларга оид ишлар оммавий айбловга оид жиноят ишлари ҳисобланади.

Хусусий-оммавий ва оммавий айбловга оид ишларда прокурор (давлат айбловчиси) айбловдан воз кечиши мумкин. Бундай ҳолларда айблов қонунда белгиланган тартибда тугатилади.

27²-модда. Жиноят-процессуал айбловни амалга оширувчи субъектлар

Хусусий айбловга оид ишларда айблов жабрланувчи, унинг қонуний вакили ёки уларнинг вакили томонидан амалга оширилади. Фуқаровий даъвогар айбловни қўллаб-қувватлаши мумкин. Жабрланувчи ночор аҳволда эканлиги, айбланувчига қарамлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда айбловни прокурор (давлат айбловчиси) амалга оширади.

Хусусий-оммавий ишларда айблов жабрланувчи, унинг қонуний вакили ёки уларнинг вакили томонидан амалга оширилади. Давлат айбловчиси ва фуқаровий даъвогар айбловни қўллаб-қувватлаши мумкин. Жабрланувчи ночор аҳволда эканлиги, айбланувчига қарамлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда айбловни прокурор (давлат айбловчиси) амалга оширади.

Оммавий айбловга оид ишларда айблов прокурор (давлат айбловчиси) томонидан амалга оширилади. Жабрланувчи, унинг қонуний вакили, фуқаровий даъвогар, уларнинг вакиллари айбловни қўллаб-қувватлаши мумкин.

Ишни судга қадар юритишида хусусий-оммавий ва оммавий айбловга оид ишларда давлат айблови суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳам амалга оширилади. Хусусий айбловга оид ишларда эса хусусий айбловчининг илтимосига кўра чиқариладиган суднинг ажримига асосан суриштирувчи ёки терговчи айбловни амалга оширишида кўмаклашиши мумкин.

27³-модда. Жиноят-процессуал айбловни амалга оширишининг умумий шартлари

Жиноят процессининг вазифалари ижросини таъминлаш учун айбловни амалга оширувчи ваколатли орган ёки мансабдор шахс ўз ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлигига оид маълум бўлган ҳар бир ҳолатда жиноий қилмиш содир этилганлигини, қилмишда жиноят аломатлари ва таркиби борлигини, жиноятни ким содир этганлигини аниқлаш ҳамда жиноят содир этган шахснинг айбини фош этишига ва уни жавобгарликка тортишига, шунингдек айбсиз шахсларни реабилитация қилишига қаратилган барча чораларни кўриши шарт.

Айбловни амалга ошираётган мансабдор шахс жабрланувчига одил судловни таъминлашида иштирок этиши учун қулай шароит яратиши ва жиноят

натижасида етказилган зарар қопланишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Хусусий айбловга оид ишларда жиноят-процессуал таъқибни амалга ошириши хусусий айбловчининг эркидан келиб чиқиб таъминланади.

Жиноят ишини юритишида айбловни амалга оширувчи орган ва мансабдор шахслар ўз ваколатларини ушбу Кодекс талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, бошқа орган ва мансабдор шахслардан мустақил равишда фойдаланадилар. Айбловни амалга оширишига ваколатли орган ва мансабдор шахснинг қонунда белгиланган тартибга мос талаблари барча давлат органлари, ташиқлотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан белгиланган муддатларда ижро этилиши мажбурийдир.

2. ЖПКни «Хусусий айбловчи ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган янги 53¹-модда билан тўлдириш.

3. ЖПК 325-моддасини қуйидаги тахрирда ифодалаш:

Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 106–110-моддаларида, 111–112-моддаларида, 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 117-моддасининг биринчи қисмида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121–123-моддаларида, 125-моддасида, 136-моддасида, 137¹-моддасининг биринчи қисмида, 138–140, 148, 141¹–143-моддаларида, 167-моддасининг биринчи қисмида, 168–170, 172-моддаларида, 173-моддасининг биринчи қисмида, 181–181¹, 191–192¹, 229-моддаларида, 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 257-моддасининг биринчи қисмида, 258-моддасининг биринчи қисмида, 259-моддасининг биринчи қисмида, 260-моддасининг биринчи қисмида, 262-моддасининг биринчи қисмида, 263-моддасининг биринчи қисмида, 263¹-моддасининг биринчи қисмида, 266-моддасининг биринчи қисмида, 267-моддасининг биринчи қисмида, 268-моддасининг биринчи қисмида, 269-моддасининг биринчи қисмида, 277-моддасининг биринчи қисмида ва 298-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятларга оид ишлар жабрланган шахс айбдорни жавобгарликка тортишини сўраб берган шикоят асосидагина қўзғатилади.

Жабрланувчи ночор аҳволда эканлиги, айбланувчига қарамлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг бундай шикоятисиз ҳам жиноят иши қўзғатиши мумкин. Прокурор томонидан қўзғатилган хусусий айбловга оид ишлар умумий тартибда тергов қилинади ва кўриб чиқилади.

Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ушбу шахс номидан иш юритишига ваколатли вакилининг шикоятига кўра қўзғатилади.

Жабрланувчининг шикояти ҳам ушбу Кодексда белгиланган шахсларнинг аризаларини қабул қилиши ва расмийлаштириши қоидаларига риоя этилган ҳолда қайд этилади. Шунингдек, ушбу шикоятда бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминлаш ҳақидаги илтимос акс эттирилади.

4. ЖПК қуйидаги тахрирдаги янги 332¹-модда билан тўлдирилиши:

332¹-модда. Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш асослари

Қуйидаги ҳолларда жиноят иши қўзғатиш рад қилиниши мумкин:

1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;

3) жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

4) жиноий қилмишни содир этган шахс вафот этган бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

б) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

7) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса.

Қилмишни содир этиш вақтида уни содир этган шахснинг жавобгарлик ёшига етмаганлиги ёки жавобгарликни истисно этадиган даражада руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли иш қўзғатишни рад қилиш ушбу модданинг биринчи қисми иккинчи бандига асосан амалга оширилади.

5. ЖПКни «Хусусий айбловга оид шикоятларни судга юбориш» номли янги 335¹-модда билан тўлдириш.

6. ЖПКни «**ХУСУСИЙ АЙБЛОВГА ОИД ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**» деб номланган янги 61¹-боб ва ушбу бобда белгиланадиган **8 та** янги тахрирдаги моддалар (581¹-модда. Хусусий айбловга оид ишларни юритиш тартиби; 581²-модда. Хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг шартлари; 581³-модда. Жабрланувчининг шикоятини қабул қилиш ва ўрганиш; 581⁴-модда. Шикоятни ўрганиш натижасида суд қабул қиладиган қарорлар; 581⁵-модда. Ишни судда кўриш учун тайинлаш; 581⁶-модда. Далиллар тақдим этиш ва тўплаш; 581⁷-модда. Суд муҳокамаси; 581⁸-модда. Хусусий айбловга оид ишни кўрувчи суднинг ваколатлари) билан тўлдириш.

III. Хусусий айблов институтини қўллашга оид суд-тергов амалиётини такомиллаштириш ҳақидаги таклиф ва тавсиялар:

1. Айбига иқрор бўлган шахсга нисбатан ишларни юритишда тўлиқ дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилишига зарурат йўқ. Шу боис ушбу ҳолатларда ҳам қисқартирилган иш юритувини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. ЖК 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида,

136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 141¹-моддасининг биринчи қисмида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритишда жабрланувчининг диспозитив ҳуқуқларидан фойдаланишга реал имконият яратиш, унга ЖПКнинг 325-моддасида белгиланган процессуал қоидаларни батафсил тушунтириш ва жабрланувчининг шикоят беришдан бош тортганлиги ҳолатини унга ҳеч бир тазйиқ ўтказмасдан расмийлаштириш, шунингдек ушбу жараёни видеотасвирга олиш мақсадга мувофиқдир.

3. ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар содир этилганида жабрланувчининг дастлаб жаҳл ёки аччиқ устида шикоят ёзиб берган ва кейинроқ шикоятини қайтариб олишни хоҳлаган ҳолатларда жабрланувчининг бундай талабини қондириш имконсизлиги боис, агар ушбу тоифадаги жиноятлар ЖКнинг 66¹-моддасида белгиланган бўлса, терговга қадар текширувни амалга ошираётган шахс, суриштирувчи ва терговчи ишни ярашув асосларига кўра тугатиш чораларини кўришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид ишларни юритишда терговга қадар текширувни амалга оширган шахс, суриштирувчи ва терговчи айбланувчи ва жабрланувчига жиноят туфайли етказилган зарарнинг қопланган бўлиши ишни томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатишнинг муҳим шарти эканлигини тушунтириши, шунингдек зарар бартараф этилган ёки жабрланувчи ушбу зарардан воз кечган тақдирда зарар қопланганлигини ёзма келишув билан тасдиқлаш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Хусусий айбловга доир ишларда агар жабрланувчи шикоят беришдан бош тортган бўлса, ундан тушунтириш олиш жараёни нисбатан қийин кечишини инобатга олиб, бунга юзаки ёндашмаслик, аксинча, шахс билан гаплашишга муайян даражада тайёргарлик кўриш, унга бериладиган саволларни олдиндан тайёрлаб, аниқлаш керак бўлган ҳолатларни ойдинлаштириш кетма-кетлигини белгилаш, жараён кечишининг бир неча сценарийларини тасаввур қилган ва ҳаракатларни режалаштирган ҳолда фаолият олиб бориш, шунингдек ушбу вазиятларда жабрланувчилардан тушунтириш олиш унинг турган жойида ёки ҳодиса содир бўлган жойда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.31/30.12.2019.Уч.25.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АКАДЕМИЯ**

РАШИДОВ БЕХЗОД НУРБОЕВИЧ

**ЧАСТНОЕ ОБВИНЕНИЕ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ:
ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА**

**12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика, оперативно-розыскное право
и судебная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

Ташкент – 2021

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.2.DSc/Yu77.

Докторская диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице по адресу <https://akadmvd.uz/uz/ads/ad-15-11-2021> и Информационно-образовательном ресурсе «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный консультант: Ражабов Бахтиёр Алмахматович
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: Муродов Бахтиёржон Баходирович
доктор юридических наук, профессор

Астанов Истам Рустамович
доктор юридических наук, профессор

Муминов Бехзод Абдувахобович
доктор юридических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный юридический университет


Защита диссертации состоится 3 декабря 2021 года в 14:30 часов на заседании Научного совета № DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).


С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Министерства внутренних дел (зарегистрирована под №1139). (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: (99871) 265-22-52).


Автореферат диссертации разослан 19 ноября 2021 года.

(протокол реестра № 7 от 19 ноября 2021 года)




А.С.Турсунов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор


Дж.Х.Юлдашев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по юридическим наукам, доцент


Р.Кабулов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы исследования. В мире, приобретает важное значение быстрое и справедливое производство, дифференциация его форм, упрощённость, в частности, производство в порядке частного обвинения при недопущении излишнего бюрократизма для справедливого разрешения уголовных дел, обеспечении динамичности и эффективности уголовного судопроизводства, с учетом современных требований, успешной борьбы с преступностью, в деле обеспечения правосудия, достижении своевременного, законного, обоснованного и справедливого принятия решения, а также укреплении гарантий защиты интересов личности, государства и общества. Это, в свою очередь, в большинстве стран требует упрощенного производства на основе частного обвинения или соглашения и по другой форме, что приводит к увеличению числа дел данной категории. Например, если в России данный показатель в 2020 году вырос на 1,1 процентов в сравнении с 2019 годом, то в Германии производство дел такой категории увеличилось по сравнению с прошлыми годами, в США же число дел, разрешенных в упрощенном порядке, превысило 95 процентов¹.

В мире актуальным является вопрос о поиске научно-теоретических и практических решений проблем, связанных с упрощением досудебного производства по уголовным делам, возбуждаемых при наличии жалобы потерпевшего; порядка судебного разбирательства, обеспечения законности по делам о примирении сторон или истребованию потерпевшим своего заявления, гарантий защиты прав и законных интересов граждан. В уголовном процессе при производстве по уголовным делам важно недопущение фактов осуществления процессуальной деятельности с нарушением диспозитивных прав; безосновательное возбуждение уголовных дел; необоснованное дублирование некоторых следственных действий на досудебной и судебной стадиях уголовного процесса; длительное расследование и судебное рассмотрение уголовных дел, по причине сложности механизма их производства, и, приводящее к беспокойству участников процесса, лишней трате государственных средств и ресурсов, времени участников, как следствие, снижение доверия граждан к органам следствия и суда, недовольство населения.

В республике осуществляются широкомасштабные реформы по усилению гарантий защиты прав и законных интересов участников уголовного процесса, созданию действенного механизма, в частности, введение порядка упрощенного производства по уголовным делам. В последние годы значительно увеличивается число разрешенных дел в связи с прекращением уголовного дела, а также в упрощенном порядке. Дела данной категории в 2018 году составили 30 процентов, в 2019 году 35 процентов, а в 2020 году 40 процентов от общего числа уголовных дел. Однако не полное обеспечение прав потерпевших или подозреваемых при прекращении уголовных дел без решения вопроса о виновности и производстве других категорий дел, и определение внедрение своеобразной новой формы и

¹ <http://cder.ru>; zakon.ru; <http://www.wvsc.uscourts.gov>; <http://publications.parliament.uk>; <https://enforce.spb.ru>; <https://mgimo.ru> › upload › iblock; <http://law.sfu-kras.ru> › data › e-library-kup › Mono.

порядка обеспечения надежной защиты прав и свобод личности, дальнейшего совершенствования уголовно-процессуального законодательства² вызывают необходимость углубленного исследования теоретических и практических аспектов института частного обвинения в уголовном процессе.

Данное диссертационное исследование служит обеспечению реализации задач, вытекающих из указов Президента Республики Узбекистан №УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» от 21 октября 2016 года, №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5268 «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебной деятельности» от 30 ноября 2017 года, №УП-6041 «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод граждан в судебной деятельности»

от 10 августа 2020 года, вышеуказанного Постановления Президента Республики Узбекистана «О мерах по коренному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» от 14 мая 2018 года и других законодательных актов в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные работы по совершенствованию института частного обвинения в уголовном процессе осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности в Австралийской комиссии правовых реформ (Австралия), Гарвардском университете (США), Берлинском университете Гумбольдта (Германия), Бакинском государственном университете (Республика Азербайджан), Академии Министерства внутренних дел Республики Беларусь (Республика Беларусь), Карагандинской академии Министерства внутренних дел Республики Казахстан, Алматинской академии Министерства внутренних дел Республики Казахстан (Республика Казахстан), Башкирском государственном университете, Московском государственном юридическом университете, Волгоградской академии Министерства внутренних дел России, Уральском государственном юридическом университете (Российская Федерация).

В мире по результатам работ, посвященных совершенствованию института частного обвинения, достигнуты следующие научные результаты: обоснована

² Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3723 «О мерах по коренному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» от 14 мая 2018 года // <http://lex.uz>.

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации раскрыт на основе следующих источников: www.harvard.edu, <https://www.hu-berlin.de/de> <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz>, sgoa.pf, mail.va-mvd.ru, <http://law.edu.ru>.

необходимость применения диспозитивных норм к тяжким видам преступлений тоже (Австралийской комиссии правовых реформ); обоснована необходимость либерализации уголовного и уголовно-процессуального законодательства, расширения упрощенного порядка производства, совершенствования института частного обвинения (Гарвардский университет); обосновано значение производства расследования по делам частного обвинения, обеспечения законности при сборе доказательств (Берлинский университет Гумбольдта); обоснована необходимость учета степени общественной опасности в качестве основного критерия при определении вида осуществления обвинения (Уральский государственный юридический университет); обоснована необходимость расширения прав частного обвинителя в результате исследования отдельных особенностей дел частного обвинения (Башкортостанский государственный университет); обоснована возможность усиления эффективности борьбы с тяжкими и особо тяжкими видами преступлений путем расширения института частного обвинения, усиления гарантий защиты прав потерпевшего лица в процессе производства по уголовным делам частного обвинения (Волгоградская Академия МВД России); раскрыто значение института частного обвинения в уголовном процессе в деле обеспечения правосудия (Карагандинская академия, Алматинская академия МВД Республики Казахстан); выявлены факторы, препятствующие эффективному применению института частного обвинения в уголовно-процессуальных отношениях, а также раскрыто положительное воздействие частного обвинения на состояние борьбы с преступностью (Ташкентский государственный юридический университет, Академия МВД Республики Узбекистан).

В мире проводятся ряд исследовательских работ, связанных с проблемами совершенствования института частного обвинения, в частности, по следующим приоритетным направлениям: расширению института частного обвинения в уголовном процессе; совершенствованию порядка разрешения уголовных дел на основе примирения сторон; упорядочиванию деятельности потерпевшего по сбору доказательств по делам частного обвинения; обеспечению права на защиту по уголовным делам частного обвинения; обеспечению обвинительной функции по делам частного обвинения; совершенствованию механизма производства по делам частного обвинения.

Степень изученности проблемы. В Узбекистане отдельные вопросы совершенствования института частного обвинения рассмотрены в работах таких ученых, как: Г.А.Абдумажидов, Б.Т.Акрамходжаев, З.Ф.Иногомжонов, Д.Ю.Камалходжаев, Ш.А.Кулматов, А.А.Матчанов, Д.М.Миразов, Б.А.Миренский, Б.Б.Муродов, Ф.М.Мухитдинов, Э.Х.Нарбутаев, Е.Н.Никифорова, М.А.Ражабова, Б.А.Ражабов, С.Сахаддинов, А.А.Султонов, Г.З.Тулаганова, У.А.Тухташева и др. В частности, Б.Б. Муродов исследовал вопросы прекращения дел частного обвинения, производства дел о примирении, Д.М.Миразов – судебный надзор за досудебным производством по делам частного обвинения, Ф.М.Мухитдинов – значение частного обвинения в качестве уголовно-процессуальной формы, Б.А.Ражабов – предъявление потерпевшим доказательства и их оценка, А.А.Султонов – вопросы процессуальных издержек

